



ҚАДИМИЙ ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ – ТАРИХ, МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЗАМОНАВИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЧОРРАҲАСИДА



Жиззах 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
ТАРИХ ВА УНИ ЎҶИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИ**

**“ҚАДИМИЙ ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ – ТАРИХ, МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТ
ВА ЗАМОНАВИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЧОРРАҲАСИДА”**

(Республика илмий-амалий конференция материаллари)

ЖИЗЗАХ -2021

САЙИД МИР АБДУЛАҲАД САФАР КУНДАЛИГИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЙДИНЛАШТИРУВЧИ МАНБАЛАР

О.А. Кличев, БухДУ

Бухоро амирларининг Россия империяси ҳудудига амалга оширган ташрифлари тарихи нисбатан кам ўрганилган масалалардан биридир. Бир гурух адабиёт ва манбаларда амирларнинг Москва, Санкт-Петербург шаҳарларига ташрифлари қисқа ахборот шаклида келтирилади. 1893, 1896, 1898, 1902, 1906, 1910 йилларда Бухоро амири Абдулаҳаддинг империя марказий шаҳарларига ташрифининг барчаси маълум тантана ёки муҳим саналар муносабати билан амалга оширилган. Ушбу ташрифлар орасида фақат 1893 ва 1906 йиллардагиси тафсилотлар тўла баён қилинган алоҳида кундалик шаклини олган.

1906 йилги кундалиқдаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ва Россия Федерацияси архивларидағи хужжатлар, XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ва Россия империясининг бошка ҳудудларида чоп этилган даврий матбуот материаллари билан солиштириш мумкин.

Ўзбекистон Миллий архив фондидаги И-2 Туркистон генерал-губернаторлиги хузуридаги дипломатик амалдор, И-3 Россия императорининг Бухородаги сиёсий агентлиги каби фондларда Амир Абдулаҳаддинг мазкур сафари ҳақидаги хужжатлар мавжуд. Ҳар бир фондда ушбу ташрифга тегишли маълум турдаги хужжатлар сақланмоқда.

Сафарни ташкил этиш ва унинг бориши тўғрисидаги маълумотларнинг катта қисми И-3 жамғармасида сақланмоқда. Сиёсий агентлик амирликдаги вакиллик муассаси вазифасини бажарганлиги сабабли сафарни ташкил этишда ушбу ташкилот амирлик ва империя ҳукумати ўртасида муҳим бўғин вазифасини бажарган. Сиёсий агентлик билан бирга империя Ташқи ишлар вазирлиги идора тизимидағи Туркистон генерал-губернатори хузуридаги дипломатик амалдор фонди хужжатлари орасида ҳам амирнинг бу ташрифига оид маълумотларни учратиш мумкин. Уларнинг катта қисми амирга ҳамроҳлик қилган дипломатик амалдор А.Калников томонидан Туркистон генерал-губернаторига йўлланган Санкт-Петербургдаги амир сафари тафсилотлари баён этилган телеграммалардан иборатdir[1]. Бу каби телеграммалар генерал-губернаторлик маъмуриятида амир сафари даврида содир бўлаётган воқеа-ходисалар тўғрисида хабардор бўлиш имконини берган. Қолаверса, бу фаолият амирга бириктирилган амалдорга юклатилган вазифалардан бири эди. Ўз навбатида телеграммалар кундалиқдаги айrim маълумотларга изоҳ бериш имконини беради.

Россия империяси ташқи сиёсат архиви ҳамда Россия давлат ҳарбий тарих архивида Амир Абдулаҳаддинг 1906 йил ноябрь-декабрь ойларидағи сафарига оид хужжатлар мавжудлиги аникланди. Улар орасида Бухоро амирининг Ташқи ишлар вазири билан учрашуви ҳамда бу тадбирнинг амалга оширилиши билан боғлиқ регламентлаштирилган тартиб протоколини мисол келтириш мумкин. Амир қабулига оид тартиб хужжати 29-ноябрда вазир А.П.Изволскийнинг Ташқи ишлар вазирлигининг катта мовий залидаги амир қабули хусусида маълумот беради. Унда амирнинг вазирлик биносида қандай тартибда кутиб олиниши баён этилади. Жумладан:

"Бухоро амири бинога келганида уни кутиб олии учун маҳсус шахс масъул бўлиб, у лифт билан амирни вазир қабулхонасигача кузатиб боради. Вазир қабулхонанинг эшиги

ёнида амирни кутиб олади. Тўражон ва амалдорлар эса зинапоя ёрдамида кўтариладилар. Амирни қабул қилган вазир кейинчалик қабулхона эшиги олдида Тўражонни ҳам кутиб олади. Шундан сўнг, амир ва Тўражон вазир ҳамроҳлигида, биринчи департамент бошлиги эса сиёсий агент ва таржимонлар меҳмонхонага кириб келишади. Қабул вақтида амир амалдорлари бошқа хонада бўлишади, уларга чой ва шириналклар таклиф қилинади. Бироз вақт ўтганидан сўнг амир, Тўражон ва вазир шу хонага киришади ҳамда амир ўз амалдорларини вазирга танишиширади. Шундан сўнг вазир амирни зинагача кузатиб қўяди, пастга қадар масъул амалдор кузатиб боради”[2].

Мазкур тартиб матнининг мавжудлиги амир қабули Ташқи ишлар вазирлиги томонидан олдиндан режалаштирилиб, тизимлашган ҳолда амалга оширилгани ва ўтказилганлигидан далолатдир.

Хужжатдаги маълумотлар сафар кундалигидаги “Кундузи соат бирда (29-ноябр - О.К.) биз, Ташқи ишлар вазири гофмейстер Изволский ва унинг ҳузурида тўпланган ийигирма саккиз вазир ва мансабдорлар йигилган жойга ташриф буюрдик”, деган жумлаларда ўз тасдифини топди. Ўз навбатида, хужжат мазкур ташрифни ташкил этиш, унинг тафсилотлари ҳақида маълумот бериши ва кундаликдаги воқеалар баёнини тўлдиришга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Россия давлат ҳарбий тарих архивидаги хужжатлар эса сафар кундалигидаги айrim маълумотларни ойдинлаштиришга кўмаклашади. Буни 1906 йил 21-ноябр санасида Бухоро амирининг Император қабулида иштирок этган амирлик амалдорларининг[3], шунингдек, Москва шаҳри маъмурияти томонидан амир қабулида бўлган бир гурух вакилларнинг рўйхати тўғрисидаги маълумотлар тасдиқлайди[4].

Амир Абдулаҳаддинг ушбу сафарига оид маълумотларни Тошкент, Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида нашр этилган газеталардан ҳам билиб олиш мумкин. Газетадаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики: ҳар бир газета яъни “Туркестанские ведомости” саҳифаларида амир сафарининг Тошкент тафсилотлари, “Московские ведомости”, “Московский листок” газеталари эса сафар йўналишида жойлашган Москва шаҳридаги воқеаларни, “Петербургские ведомости”, “Петербургский листок”, “Правительственный вестник”, “Русский инвалид” каби газеталарда эса империя пойтахтида кутиб олиш, император қабули, расмий ташриф ва қабулларга оид маълумотлар чоп этилган.

Мақолаларни ўрганиш жараёнида матн кўринишидаги маълумотлар билан бир қаторда амир ташрифи доирасидаги иллюстрацион маълумотлар ҳам мавжудлиги аниқланди. “Прибытие эмира Бухарского в Петербург 19 ноября”[5], “Бухарский эмир принимает депутатию от города”[6] каби тасвир ости ёзувига эга бу иллюстрациялар “Петербургский листок” газетасида қалам тасвир шаклида чоп этилган. Бундай турдаги маълумотлар амир ташрифига оид кундаликдаги айrim воқеаларни визуал-тасвир тарзида тушуниш имконини ҳам беради.

Юқорида билдирилган фикрлар асосида Амир Абдулаҳаддинг сафар кундалигини тадқиқ этишда Ўзбекистон миллий архив фонди ва Россия Федерацияси архив материаллари ва даврий матбуот маълумотларини инобатга олиш даркор. Бу нафақат манбанинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигига ишонч ҳосил қилишга кўмаклашади, балки унга бирламчи манба деб қараш мумкинлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўз МА, И-2 фонд, 1-рўйхат, 209-ийғмажилд, 97-; 100-; 114-варақлар.
2. РИТСА, 147-фонд, 485-рўйхат, 279-ийғма жилд, 69 варақ.
3. РДХТА, 400-фонд, 1-рўйхат, 3431-ийғма жилд, 35 варақ.
4. РДХТА, 400-фонд, 1-рўйхат, 3432-ийғма жилд, 117 варақ.
5. Прибытие эмира Бухарского в Петербург 19 ноября // Петербургский листок, 1906 год 23 ноября (6 декабря), №322.
6. Бухарский эмир принимает депутацию от города // Петербургский листок, 1906 год 26 ноября (9 декабря), №325.

БУЮК ФАҚИХ САБОҚЛАРИ **(Имом Маждуудин ал-Уструшаний 840 ёшда)**

Муҳиддин Полвон, Тошкент

Бутун жаҳон мусулмон оламида маълум ва машхур бўлган яна бир буюк зот – бу йил илмий жамоатчилик, қатор мусулмон мамлакатлари 840 ёшини нишонлайдиган улуғ бобокалонимиз Имом Маждуудин ал-Уструшаний ҳақида муҳтасар фикр билдириш ўрни келди. Алломанинг номи унинг ҳаёти ва мероси ҳақидаги маълумот етарли бўлмагани, асарлари чуқур ўрганилмагани боис мамлакатимизда кенг жамоатчиликка нисбатан камроқ таниш эди. Мустақиллик неъматлари туфайли тарихимиздаги “оқ доғлар” бартараф этилмоқда, уларнинг ўрни асосли, далилли асарлар билан бойитилмоқда. “Қуръони карим. Маъноларининг таржима ва тафсири”дек ноёб асарни халқимизга тухфа қилган устоз шарқшунос, атоқли исломшунос олим Шайх Абдулазиз Мансур бошчилигига иқтидорли ёш тадқиқотчи олим, тарих фанлари номзоди Муслим Атаев узоқ йиллар давомида фақиҳ ал-Уструшаний ҳаёти ва фаолияти, илмий меросини ташкил этувчи ўша давр манбалари асосида ўрганиш, уларни ўзаро қиёсий таҳлилдан ўтказиб тадқиқ этиш ва якунда тарихий маълумотларни тартибга солиб тизимлаштириш, шунингдек, XII асрнинг охири ва XIII асрнинг биринчи ярми ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, маданияти, илму-маърифатини ўрганиб, пировард натижада илмий хулосаларини эълон қилиш, “Маждуудин ал-Уструшанийнинг Мовароуннаҳр фиқҳ илми тарихида тутган ўрни” мавзуудаги номзодлик диссертациясини муваффакиятли ёқлади.

Ушбу тадқиқотдан Жиззах воҳасининг уламолари ҳам ислом дунёсининг пешқадам олимлари билан тенг беллашадиган даражада бўлгани аниқлашди. Шулардан энг илғори сифатида Мавлоно Маждуудин ал-Уструшаний, Соҳиби фусул таҳаллуслари билан дунёда машхур аллома Имом Абул-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Маждуудин ал-Уструшаний тилга олинади. XII асрнинг охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрнинг Уструшана воҳасида таваллуд топиб, Қуръони карим ва Ҳадислар, шунингдек, ҳукуқ (фиқҳ) фани соҳасида устози Бурхониддин Марғинонийнинг маънавий хазинасидан чуқур баҳраманд бўлган аллома кейинчалик оиласи билан Самарқандга кўчиб ўтади ва юксак назарий - илмий салоҳияти билан ажралиб турадиган асарлар яратиб, фиқҳшунослик илмига бекиёс улкан хисса кўшади.

МУНДАРИЖА

I. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ (ҚАДИМГИ ДАВРЛАРДАН ҲОЗИРГИ КУНГАЧА)

1	Сўз боши С.Ш. Сафаров	3
2	<i>Сулайманов Р.Х.</i> д.и.н. проф. НУУ – К вопросу об авторстве, времени и месте написания “Кисса” или “Повести” Амира Темура.....	5
3	Ғойибов. Б.С. т.ф.д., доц. - СамДУ- Фотфар ва ғотфарийлар.....	11
4	Ахмедшина Ф.А. – т.ф.д., проф. ЖДПИ - Подготовка кадров для ИТ -отрасли: гендерный аспект.....	13
5	Холмуродов А. - т.ф.н., доц., Мустонов С. – магистр - Амир Темурзамондошлари ва ҳозирги замон тарихчилари нигоҳида.....	18
6	Нурқулова Р.Р. – т.ф.н., доц. ЖДПИ - Амир Темурнинг Ватанимиз тарихидаги ўрни.....	21
7	Кличев О.А- т.ф.б.ф.д. БухДУ - Сайид Мир Абдулаҳад сафар кундалигидаги маълумотларни ойдинлаштирувчи манбалар.....	25
8	Муҳиддин Полвон - адаб. Тошкент ш. - Буюк фақих сабоқлари.....	27
9	Мажидов А.С. – ўқ. ЖДПИ - Туркистанда мустамлака маъмурий-сиёсий бошқарув тизимининг қарор топиши хусусида.....	30
10	Каримова Н.И –преп., Журакулов С. – студент. ДзГПИ - Вопросы торговли на Великом Шелковом пути.....	33
11	Бобоҷонов С.Б. – магистр. ЖДПИ - Ўзбекистонда маҳаллий бошқарув органларининг шаклланиш тарихидан.....	36
12	Иномова. М.Ф. - талаба. ЖДПИ - Ўзбек халқи аждодлари тарихида аёлларга бўйланган муносабат масаласи.....	38
13	Нуридинова Т. - т.ф.н., Истамов Д. ЎзДСМ., Ерназаров Ф. - к.ўқ. Тошкент ислом институти - Ўзбекистондатуризмни ривожлантиришда Ўзбекистон давлат санъат музейининг ўрни.....	41
14	Эшбекова Д.Т. - ўқ. ЖДПИ, Ҳамроқулова Г.Т. - ўқ. ЎзР ИИВ Жиззах АЛ – 1921-1926 йилларда хотин-қизлар даврий матбуот суратлари объективида (“Туркистан”, “Кизил Ўзбекистон” газеталари мисолида).....	43
15	Мунира Хужсанова - таянч докторант ЎзМУ - Ўзбекистондаги болалар уйлари тизимининг ўрганилиши ва уни тадқиқ этиш зарурати.....	47
16	Носирова.Ф. – магистр. ЖДПИ - Совет даврида Ўзбекистонда аҳолини кўчириш сиёсати: ташкилий ишлар ва муаммолар.....	51
17	Тўпчиев У.С. - ўқ. ЖДПИ - XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистан ўлкасида узумчилик масалаларига доир манбаалар таҳлили.....	53
18	Насиров Б.Ў. – т.ф.б.ф.д., доц. ЎзМУ Жиззах филиали - Совет даврида Ўзбекистонда умумий овқатланиш тизими: режалар ва амалиёт.....	57
19	Валиев А.Х. - стр. преп. ДГПИ - Вопросы занятости молодёжи в Узбекистане.....	60
20	Холмуродов. А - т.ф.н., доц., Холмуродов Д. ўқ. ЖДПИ - Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги маданий алоқаларининг ривожланиши.....	63
21	Маллаева Э.М. – с.ф.б.ф.д. ЖДПИ - Фуқаролар сиёсий маданиятига таъсир	